

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

**Хоразм вилояти ҳокимлигининг**

**“Ягона буюртмачи хизмати”**

**инженеринг компанияси**

**директори**

**Ш.Отаев**

**.2022 йил**



**Буюртмачи:** Хоразм вилояти Давлат хавфсизлик хизматининг  
Хива шаҳар бўлимига янги бино қуриш смета-лойиха  
ҳужжатларини ишлаб чиқишга

## **ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ**

## **Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**

Ушбу йуриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида 276-сон қарори асосида ишлаб чиқилди.

### **ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

1.1 Хизматда шартнома асосида Хоразм вилояти Давлат хавфсизлик хизматининг Хива шаҳар бўлимига янги бино куриш смета-лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш.

1.2. Танлов қиймати – 211 025 000 (Икки юз ўн бир миллион йиғирма беш минг) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан лойиҳачи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4 Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 иш кунда тўлиқ бажариш талаб қилинади.

### **2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1. Хоразм вилояти ҳокимлигининг “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси, (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлав ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Урганч шаҳар Ал-Хоразмий кўча 23-уй Эл.манзил: [horazm\\_ik@umail.uz](mailto:horazm_ik@umail.uz)

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### **3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар талаб этилади:

танлов предмета қийматининг камида 15 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар; танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги; ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар; танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

Лойиҳалаштириладиган объект лойиҳалаштириш тоифасига кўра 3-тоифали, лицензияси бўлиши, шунга ўхшаш объекларда ишлаган бўлиши лозим. Низом маблағи миқдори. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.3. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажратилиши, кушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар ҳамда молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги ва олдин ишлаган объектлар бўйича ишлар ўз муддатида бажармаган ва лойиҳачини айби билан муддати ўтган ишлари мавжуд бўлса

3.4. Танлов иштирокчилари - танлов предметининг лойиҳа ҳужжатлари, хусусан, лойиҳани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида муружаат қилишга ҳақлидирлар.